



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI OLTINSOY TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

Oltinsoy tumani, Mustaqillik ko'chasi 8-uy, 190700, tel: (+99876) 47-77-516, oltinsoy_t@exat.uz, www.Oltinsoy.uz

2021 - yil 14 - iyun

26-8-108-Q/21

Oltinsoy tuman hokimligi

**Олтинсой туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган
норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Олтинсой туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар 1-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Матбуот хизмати (У.Абдурасулов) мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши

белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Бабақулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Т.Джумаев

Олтинсой туман ҳокимининг
2021 йил 14 июндаги
26-8-108-Q/21-сон қарорига
1-илова

Олтинсой туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Олтинсой туман ҳокимининг “Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида” 2011 йил 26 сентябрдаги 457-сон қарори.

2. Олтинсой туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2012 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2012 йил 22 февралдаги 89-сон қарори.

3. Олтинсой туман ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарорига асосан туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2012 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2012 йил 12 майдаги 231-сон қарори.

4. Олтинсой туман ҳокимининг “Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2012 йил 12 майдаги 232-сон қарори.

5. Олтинсой тумани ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарорига асосан туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2013 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2013 йил 28 февралдаги 123-сон қарори.

6. Олтинсой туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2014 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2014 йил 11 мартдаги 117-сон қарори.

7. Олтинсой тумани ҳокимининг “Олтинсой туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2015 йилда техник кўрикдан

ўтказиш тўғрисида” 2015 йил 23 январдаги 60-сон қарори.

8. Олтинсой тумани ҳокимининг “Олтинсой туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йилда техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2017 йил 8 февралдаги 217-сон қарори.

9. Олтинсой тумани ҳокимининг “Олтинсой туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йилда техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2018 йил 17 январдаги Қ-70-сон қарори.

10. Олтинсой туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2018 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартдаги Қ-617-сон қарори.

11. Олтинсой туман ҳокимининг “Олтинсой туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йилда техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 2019 йил 18 февралдаги Қ-1845-сон қарори.

12. Олтинсой тумани ҳокимининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида” 2020 йил 22 февралдаги Қ-250-сон қарори.

13. Олтинсой туман ҳокимининг “Олтинсой туманидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида” 2012 йил 17 октябрдаги 456-сон қарори.